

277 - وَعَنْ أَبِي شُرَيْحٍ حُوَيْلِدِ بْنِ عَمْرِو الخَزَاعِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ؛ إِنِّي أُحَرِّجُ حَقَّ الضَّعِيفِينَ: الْيَتِيمَ وَالْمَرْأَةَ». حَدِيثٌ حَسَنٌ رَوَاهُ النَّسَائِيُّ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ.
[سك 9105].

وَمَعْنَى «أُحَرِّجُ»: أُلْحِقُ الْحَرَجَ - وَهُوَ الْإِثْمُ بِمَنْ ضَيَّعَ حَقَّهُمَا - وَأَحَدٌ مِنْ ذَلِكَ تَحْذِيرًا بَلِيغًا، وَأَزْجُرُ عَنْهُ زَجْرًا أَكِيدًا.

277. Абу Шурайх Хувайлид ибн Амр ал-Хузозий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳим, икки заифни, яъни етим ва аёлнинг ҳаққини зое қилишингиздан қаттиқ огоҳлантираман», дедилар.

Ҳасан ҳадис бўлиб, имом Насаий яхши иснод ила ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аёл деганда кўз олдимизга энг аввало мўътабар онамиз, қадрли бувижонларимиз, мунис опа-сингилларимиз ва аҳлиямиз келади. Уларга қанча эътибор, ғамхўрлик қилсак, қувонтиришга урунсак барибир оздир. Чунки, мана шу аёллар дунёда янгидан-янги чақалоқ йиғиси эшитилишига сабаб бўлаётган зотлардир. Дунёда шундай бир зот борки, уни хар куни эъзозласак ҳам, дилларини ҳушнуд қилишга урунсак ҳам унинг ҳаққини адо

эта олмаймиз. Бу мўътабар зот- онадир.

Расулulloҳ (с.а.в.): видолашув хутбаларида умматларини уч нарсадан огоҳ этиб, шундай дедилар: “Намоз, намоз, намозга диққат қилинг, унга ҳеч ҳам бепарво бўлманг! “Қўл остингиздагиларга кучлари етмайдиган вазифаларни юкланг! Хотинларнинг ҳақларини ҳурмат қилинглр, мен бу хусусда Аллоҳдан қўрқингизни тавсия этаман. Хотинларнинг ҳақи масаласида Аллоҳдан қўрқинглр! Зеро, улар сизнинг ёрдамингизга муҳтождирлар. Улар сизга Аллоҳнинг омонатидирлар...”

Пайғамбаримиз (с.а.в.) эътибор қаратиш лозим бўлган асосий уч масаланинг бири бу аёлларнинг ҳақи хусусида Аллоҳдан қўрқиниш ва уларни Аллоҳнинг омонати деб асраб авайлаш кераклиги эканини ўз умматларига насихат қилмоқдалар. Шундай экан, омонатга содиқ қолиб, аёлларимизнинг турмушини фаровон қилишликка, уларга доимо эътиборли ва муҳаббатли бўлайликка ҳаракат қилишимиз лозимдир.

Манба: hadis.islom.uz

